

Набий алайҳиссаломга кофирлар томонидан қилинган таклифлар



11:08 / 05.02.2020 3051

Кофирлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватларидан қайтариш учун яна бир уриниш қилиб кўришди. Улар у зотни молу дунё, мансаб ва бошқа нарсалар билан ўз ишларидан қайтармоқчи бўлишди. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг барча таклифларини рад этдилар.

Ҳабашистон ҳижрати

Мусулмонлар қанчалик сабр қилсалар, мушриклар уларга бўлган тазйиқни шунчалик орттириб бораверишди. Бора-бора ҳимоячиси бўлмаган, заифҳол мусулмонларнинг дину диёнатлари, соғлиғу ҳаётлари аниқ таҳдид остида қолди.

Ана шундай оғир ҳолатда, яъни нубувватнинг бешинчи йили, ражаб ойида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур саҳобаларига: «Ҳабашистонга борсангиз, яхши бўларди. У ерда бир подшоҳ борки, унинг юртида ҳеч кимга зулм қилинмас. Бу юрт сидқ юртидир. Аллоҳ ҳозирги ҳолатни енгиллаштириб қолса, ажаб эмас», дедилар.

Шунда бир гуруҳ муслмонлар Ҳабашистонга ҳижрат учун отландилар. Ушбу ҳижрат Исломдаги биринчи ҳижрат эди. Биринчи муҳожирлар гуруҳи ўн олти кишидан иборат бўлиб, уларнинг ўн иккит нафари эркак, тўрт нафари аёл эди. Мазкур тўрт аёл эрлари билан бирга чиққан эдилар. Улар: Усмон ибн Аффон ва аёли Руқайя, Абу Ҳузайфа ибн Утба Абшамий ва аёли Саҳла бинт Суҳайл, Абу Салама ибн Абдуласад Махзумий ва аёли Умму Салама бинт Абу Умайя, Омир ибн Рабийъа ва аёли Лайло бинт Абу Ҳасма, шунингдек, Усмон ибн Мазъун Жумаҳий, Абдурраҳмон ибн Авф Зухрий, Мусъаб ибн Умайр, Зубайр ибн Аввом Асадий, Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳузалий, Абу Сабра ибн Абу Руҳм, Суҳайл ибн Байзо ва Ҳотиб ибн Амр Омирий розияллоҳу анҳум.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан